



**ТЎРА СУЛАЙМОН**

# **ҲАМҚИШЛОҚЛАРИМ**

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети

«Ёш гвардия» нашриёти

◆ Тошкент — 1973

---

Тўра Сулаймон сизга шоир сифатида кўпдан таниш. У кейинги йилларда Мирзачўлнинг меҳнатсевар кишилари: пахта усталари, механизаторлар, миришкор боғбонлар ҳақида очерк ва ҳикоялар ёзмоқда.

Ушбу китобча шоирнинг насрий машқларидан илк намунадир.

---

## БУГУН ЧИН АРАФАДУР

Меҳнатсиз тўй, тўёна, хандон қайда?  
Тарона, завқ, замзама, ўлан қайда?  
Вақтида этик ечиб, сув кечмасанг,  
Жон қайда, жонон қайда, маъдан қайда?

Яқиндан бери номи қайта тилга тушган, «оқ олтин» хирмони самовот билан, пахтазорини уфқ билан туташган Охунбобоев номли колхознинг пахта даласидамиз. Биз ёш билан ёшдай, тенгдош билан тенгдошдай муомала қиламиз. Керак бўлса кўмаклашамиз. Негаки, ҳозир олифтагарчилик қиладиган кез эмас. Долзарб кунлари қўлни чўнтакка солиб гаплашадиган «пўлат от»ли чавандозни тўхтатиб таржима ҳолини сўрайдиган ё хўжалик раҳбарларини идорада кутдириб, соатлаб суҳбатлашадиган фурсатмас.

Оқсоч Тяньшан этакларидан то Қорақалпоғистоннинг Қўнғирот аймағигача, Қашқадарёнинг Деҳқонобод даштидан то Чордара сув омборигача бўлган муборак она тупроғимизда авжи терим палласи. Барчанинг тонгдан тузган режаси, ўлчовли вақти бор. Ҳамманинг интилиши, мақсади бир: республикамизнинг ҳосил тўйига арзигулик тўёна билан бо-

риш. Бу бобокалонларимиздан қолган удум. Кўча-кўйларга сув сепиб гулдаста ҳозирлайдиган, меҳмон кутиб, меҳмоннавозлик қиладиган муборак санага саноқли кунлар қоляпти. Бу кунга атаб шоир ғазал битяпти, навозанда куй басталаяпти, попопчи қизлар танқис совға ҳозирлаяпти. Қишлоқ — бухгалтерлари сарҳисоб билан машғул. Бу бир йил ичида нималар қилдик, нималар қилишга қодир эканмиз? Кун сайин, соат сайин ўсишимиз, улғайишимиз, яшашимиз, яшаришимиз қай йўсинда? Таниқли аллома кечаю кундуз шу масала устида бош қотиради. Ирим учун тўйларини катта байрамга уламоқчи бўлган бўйқиз билан барваста йигит висол ишқида.

Биз даласида айланиб юрган артель аъзолари ҳам бу муборак байрамга қизғин ҳозирлик кўришяпти. Бунини одамларнинг ҳаракатидан, суҳбатидан англаб оласиз.

Мана, қизи бўйга етиб, ўғли уйлантирадиган бўлган, ҳалол меҳнати туфайли ниятига етган, Мелихон опа Мамутованинг гаплари:

— Кишининг ё аввали, ё охирини берсин дейдилар. Аввалимиз хароб ўтиб, охиригимиз обод бўлганидан шодмиз. Одам ота, Момо ҳаво пайдо бўлгандан бери бундай одил замонни одамизод кўрмаган. Ҳукуматимизнинг ўтган йилги қабул қилган қарори кўплар учун қанот бўлди. Иш ҳақининг ошиши, пенсиянинг кўпайиши — умрнинг узайишига ўхшаган гап. Белга куч, кўзга нур энадиган, қайта яшарадиган кун келди. Ёшликда қилган меҳнат, қариганда бўлур давлат, дегани шу.

Ёши қирқлардан ошган она жувон бўлса

ҳам ҳусн бозорида Зухро билан тенглик талашган, кўринишидан кўнгли ёз, қалби баҳордай, қомат деганинг таранг тортилган тордай Хайри опа Ҳайдарова, Мелихон опанинг гапларини қувватлайди:

— Қолхозимиз бизга ўхшаш болали аёллар билан қарияларнинг ишига, кучига муҳтож эмас. Бироқ, шундай серхархаша кунларда ўзини тош ойнага солиб, тош ойнадан оладиган, афт-ангорига упа-элик чаплашдан қўли бўшамайдиган уй бекаларининг колхозда бўлишига кишининг кўзи етмайди. — Болалик хотинлардан бири мен бўладиган бўлсам, колхознинг мана ман деган теримчи қизлари Ҳадича Иброҳимова, Мавлуда Рихсиевалардан қолишмаётирман. Ҳар куни 150 килограмдан ошириб «оқ олтин» териб турирман. Ҳозиргача терган пахта беш тоннадан ошади.

Колхоз аъзоларининг ўртасида сеники-меники йўқ. Молу жон ўртада. Бир-бири билан қуда-анда. Қитмирлик қилган — шарманда.

Колхознинг кўзга кўринган сувчиларидан бири гапга етук, ишга ўч Райим ака Оллонов бундай дейди:

— Қолхозимиз кун сайин, соат сайин ўзгарилиб, ўнгарилиб бораётир, жигар. Ҳамма ўзига тинч. Бадавлат. Иш ҳақидан нолиган одам йўқ. Қурилиш авжида. Мотоцикл ё машина оламан деган одам ундан, тўй-томоша қилиб, элга ош бераман деган киши бундан кўп. Ноннинг сероблиги-ю, меванинг тўкинлигини айтмайсизми. Бунинг ҳаммаси пахтадан. Пахтанинг меҳнатига яраша роҳати ҳам бўлади дегани шу. Айтгандай, минг қўшчига бир

бошчи дегандек, раисимиздан ҳамма миннатдор. Ҳайдар Жумабоев деса бўлди. Мартабаси баланд. Ўзи меҳнат қаҳрамони. Ғўзанинг тилини чунон билишига ҳамма қойил. Ўзи Тошкентдаги деҳқончилик мактабининг энг каттасини тамомлаган. Утмишда номини ёзолмаган раисларни ҳам кўрганмиз, ука. Унинг камтарлигига таъриф йўқ. Ёшу кексага баробар. Хотин-қизларга ғамхўр.

Ғалдаги йўлимиз Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, улкан хўжаликнинг эътиборли қизи Шаҳрихон Абдуллаеванинг меҳру муҳаббати йўғрилган сўнгсиз пайкалга тушади. Биз бу атоқли бригада бошлигини кўргимиз, кўришгимиз келганини сир тутолмай, унинг аъзоларини гапга тутамиз.

Бригаданинг кўзга кўринган теримчиси Фикриё Маҳмудова дала командири Шаҳрихон ҳақида тўлқинланиб гапиради:

Шаҳрихон меҳнатдан мартаба топган қиз. Салкам 100 гектар ернинг ғўзасини боладай парваришлаб ўстириб, ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил кўтарганини айтишга осон. Биласиз, пахтанинг нимаси кўп — меҳнати кўп. Ишнинг кўзини билмаган киши ўрта йўлда гангиб қолади. Тадбиркор бригадир Шаҳрихон эса чигит экишдан тортиб то ҳосил кўтаришгача бўлган юмушни режа билан олиб боради.

Фикриёнинг сўзини Шоқосим ака тўла маъқуллаб дейди:

— Шаҳрихонда ўктам йигитнинг юраги бор. Шошмайди, сурунмайди. Ўзи Ҳукумат аъзоси. Беҳад камтар. Истараси иссиқ. Кишининг кўнглини қабартиш деган гап унда йўқ. Ум-

рингдан барака топкурнинг билафонлигини айтмайсизми, ёпирай... Техниканинг тилини бир Жаводчалик билади. Пайкалда сувчи бўлмаса сув қўйиб, тракторчи узрли бўлса трактор ҳайдаб кетаверади. Қамтарга камол дегани шу-да,— деб Шоқосим аканинг фикрини қувватлайди — ғўзага қирқ кокил қилиб сув тарашда иззат топган Фулом ака Мирхонов.

Оғиримизни енгил, мушкулимизни осон қилаётган зангори кема мурвати. Ҳа, Шаҳрихоннинг шогирдларидан бири Йўлдошали Туронов қўлида. «Оқ олтин» деганингиз гала-гала оқ каптардай бўлиб бункерга тўкилиши — томоша. Теримчи қизлар — Тошхол, Рўза, Ҳамалойларнинг қўлига кўз илашмайди. Жомур Ёмғуров хирмондаги пахтани пунктга жўнатиш, манзилга тезроқ етиш ташвишида. Ҳамманинг ўзига яраша масъул вазифаси бор. Зулхария опа дала шийпонида нури-дийдаларни — дўмбоқ болаларни боқиш билан банд. Қерак чоғда у «инга» деган норасидага сийна сути беришга ҳозир. Зайтуна Ғаниева ҳосил тўйларига атаб деворий газета чиқариш ишқида. Шаҳри Абдуллаева эса эртаиндин рапорт бериш ниятида. Дам чўтти ишга солади, дам ён дафтарига нималарнидир қайд қилади. Дам артель аъзоларининг янги правление составлари ҳақидаги қувонч ва эътирозларини халқ вакили сифатида тинглайди, раисдан колхоз аҳли миннатдор. Правление составининг аъзолари — нияти холис, манзили олис, кўнгли оқ кишилар. Шу вадан даромад йил сайин кўтарилиб бормоқда. Кишилар орасида тарафгузаронликка чек қў-

йилган. Эгри қўлликларнинг шўри қуриди. Бўзабозлик касотга йўлиқиб, айрим нафси бузуқларнинг кавуши тўғриланди.

Биз кўрган билганларимизнинг барини кўнгилга ўтказиб, йўлга тушмоқни ният қиламиз. Бироқ, бу кенг далани, кўнгли оқ, қўли қадоқ меҳнаткашлар даврасини тарк этгинг келмайди. Яна қолгимиз пахтазорнинг хуш-ҳаволаридан қониб-қониб нафас олгимиз келадди. Қишлоқ жамоли қанчалик фусункор, қанчалик дилрабо.

Филбонга ошна бўлсанг дарвозангни катта қил, дегандек бу йил ҳам дарвозани ланг очадиган, даврани кенг оладиган ноёб совға саломлар учун анкета тўлдирадиган, қарияларнинг яшариб, ёшларнинг камол топадиган йили. Сирдарё районидаги Охунбобоев номли колхоз Сирдарё музофотининг бир парчаси. Республикамиздаги барча меҳнат аҳлининг ўртага ташлаган шиори, арзу армони, аҳду паймонини шу хўжалик аъзоларининг тимсолида яққол кўриш мумкин.



---

# ШАМСИҚАМАР

Узоққа борадиган қизга ўхшайди.

ТУРОБ ТЎЛА

Мен нур бўлсам — кунданман,  
Гар гул бўлсам — ерданман.  
Тўлқин бўлсам — денгиздан,  
Фарзанд бўлсам — элданман.

Шундан шекилли кишига офтобсиз ёруғлик, ерсиз нозу-неъмат, сувсиз ҳаёт, элу юртсиз қадру қиммат, меҳнатсиз мартаба, ҳикматсиз умрбоқийлик йўқ.

Шамсиқамар ўз уринчоқлиги, ўз қуйинчоқлиги, беминнат меҳнати, ҳозиргача биронта йигитга изҳор этилмаган сирли муҳаббати билан гўзал. Катта карвон қайдан юрса кичик карвон шундан юрар. Шамсиқамар пахта териш машинасининг академиклари, нор деса норлари, чинор деса чинорларимиз — Шоймардон Қудратов, Мамажон Дадажонов, Жавод Кўчиевларнинг қўлларини олиб, йўлларини тутгани билан гўзал.

Ҳозир ўзбек пахтасининг бормаган ери, етмаган мамлакати йўқ. Кўз очиб юмгунча бу қитъа билан у қитъани босиб ўтадиган қуд-

ратли ҳаво лайнерларимиз — пўлат қанотли оққушларимиз ҳам, ой ўтмай Ойга бориб омон қайтадиган самовий кемаларда ҳам пахтамининг ноёб толалари ишлатилади. Одамзод учун пахта керак бўлмайдиган кун, пахтасиз қилинмайдиган тирикчилик йўқ.

Хатирчилик марҳум халқ бахшиси Карим оқин Мирзақул ўғли таъбири билан айтгандэ:

Улан қайдан чиқади сўз бўлмаса.  
Ким етаклаб юради кўз бўлмаса.  
Одамзодни бекафан кўмар эди,  
Пахта билан сарала<sup>1</sup> бўз бўлмаса.

Шунинг учун ҳам Шамсиқамар пахтакор бўлгани, пахтапарвар бўлгани билан гўзал.

Муҳаббат кучли бўлса, машаққати зўр бўлади. Шамсиқамар ўтган йили ўзининг ХТ-1,2 маркали пахта териш машинасида икки юз етмиш тонна пахта терди. Бу айтишга осон гап. Бу қарийб ўн минг килограммчи ўттизта теримчининг бир мавсумда эгилиб терадиган пахтаси. Бу ҳали Шамсиқамар ишининг бошланмаси. Бу — унинг касби-корига бўлган муҳаббатининг нишонаси. Шамсиқамарнинг ҳозир кундай кулиб, ойдай тўлган чоғи — йигирманчи баҳорнинг устида. Зулайҳо бу ёшда ўз ҳусни жамоли билан ҳазрати Юсуфни муҳаббат балосига мубтало қилди. Барчин сал кам бу ёшда:

Қурру ё қур ҳайта, тўрамнинг оти!  
Оқ тўшим яйловинг, сочим шипиртги.  
Олмасдай туёғинг қордай тўшима,

---

<sup>1</sup> Сарала — сариқ, ола дегани.

Қурру ё қур ҳайта, тўрамнинг оти!  
Ўйилмай куймасин кулбаи хонам,  
Оҳ уриб йиғлайди мандайин санам,  
Қалмоқда қолмасин гулдайин танам!

дея Алпомишнинг ўзи тугул унинг дулдули —  
Бойчиборнинг йўлларига сочини «шипиртги»  
қилди. Тўқсон ботмон темирдан совут кийган,  
ҳар кунига тўқсон шербознинг этини таътил  
қилган, тўқсон алпни ўзининг довюраклиги,  
ёвюраклиги билан танг қолдирди.

Шамсиқамар эса бу ёшда оқ олтин денгизининг зангори кема капитани бўлди. Унинг номи узоқ Забайкалиядан тортиб то Туркман овулларигача бориб етди.

Мана у яшаётган, у меҳнат қилаётган жойга: «Сирдарё областининг, Дўстлик районидаги Ленин номли II совхозга, механизатор қиз Шамсиқамар Тўхтаевага тегсин» деб, унинг номига келаётган хатлардан айрим сатрлар:

«Мен билан опа-сингил тутинишга рози бўлсангиз мен ўзимни бахтиёр деб билардим. Туққан-туғишганларингизни, тутинганларингизни, маълумотингизни билишга қизиқаман.

Р о м е т о н л и к қ и з ».

«Жавод Кўчиевнинг доврўғи жаҳонга кетган. Турсуной Охуновани бутун дунё биледи. Сизнинг ҳам шулардай обрў топишингизга тилакдошман.

Р и г а л и к а ё л ».

«Унингчи синфни тугатгач, Мирзачўлга — Сиз ишлаётган совхозга бориб, механизатор-

лик касбини эгалламоқчиман. Нима деб мас-  
лаҳат берасиз?

Гулларим сўлим-сўлим,  
Кўксимда икки кўлим.  
Кўкка етарди бошим,  
Сиз томон тушса йўлим.

Қ у в а л и к қ и з».

Айрим хатларга Шамсиқамарнинг жаво-  
би:— Оилада тўрт жонмиз. Мен. Онам, икки  
укам. Унинг синфни олтмиш тўққизинчи  
йили тугатдим. Етмишинчи йилнинг августида  
бир ойлик механизаторлар тайёрлаш курсига  
ўқишга кирдим. Ҳавасим иккиланишдан, их-  
лосим қўрқиншдан, ниятим: «Мойга беланиб,  
машинага қориниб юрганда кўра ё институт-  
га кириб, ё културний ишларда ишлаб, товус-  
дай товланиб юрмасдан сенга нима азоб»  
деган сўнгил-елни гаплардан устун чиқди.  
Қанча-қанча Турсунойларнинг, Тўхтасин Қир-  
ғизбоева билан Саодат Тоштемироваларнинг  
мендан қаери кам деган қатъий қарорга кел-  
дим. Етмишинчи йили рулга ўтириб, 158 тон-  
на пахта тердим. Энди ишнинг кўзини, менга  
берилган «ХТ-1,2» маркали машинанинг сири-  
ни, тилини, анча-мунча ўрганиб олдим. Утган  
йили совхоз раҳбарлари мени Қўйсинбой Мул-  
лаев бошқараётган биринчи бўлимнинг ком-  
плекс механизациялашган 7-бригадасига бош-  
лиқ қилиб тайинлашди. Бу — ҳам менга бил-  
дирилган катта ишонч, ҳам катта синов эди.  
Тун бўйи ўйлаб чиққанларимни, талвасага  
тушганларимни айтмасам ҳам бўлади.

Аммо суяги шу ишда қотган устозлар: Тўлакбой ака билан Мамажон Дадажоновлар вақтида йўл кўрсатишди, вақтида йўриқ. Ўзимни тутиб олдим. Бригадамизда ҳозир тўрт кишимиз. Бахмаллик Равшан Ташбўлов, фарғоналик Турсунбой Исмоилов, қўқонлик Азим Бекназаров. Тўртовлон тугал бўлсанг тепадагин дўндирарсан деган нақлни бизга тўла ишлатса бўлади. Тўқсон гектар ерга чигит ташлаш, уни ундириб олиш, ғўзани худди боладай бир бўйига қараб, бир рўйига қараб ўстириш, чамандай очилиб турган «оқ олтин»ни нондай азизлаб йиғиштириб олиш, қўйинг-чи, шудгорлашгача бўлган иш тўртовимизнинг зиммамизда. Ўтган йили ҳар гектар ердан 17 центнер ўрнига 26 центнердан хирмон кўтардик. Бу йилги режамиз бундан ҳам буюк».

«Ҳунару илми бўлмаган кишига бахт ва давлат омонат деган гапни қариялардан эшитганман. Ҳунару касбимдан шикоятим йўқ. Ҳозир ўрта маълумот билан узоққа бориш қийин. Насиб қилса бу йил қишлоқ хўжалик институтига сиртдан ўқишга кирмоқчиман. Тайёрланиб юрибман».

«Совхозимиз ўтган йили сентябрь ойида улоқни маррага элтиб қўйди. Бу ақл бовар қилмайдиган иш. Кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган гап. Бу биринчи навбатда техниканинг шарофати. Мен Тўланбой Дадажоновни маҳоратли, кўламли механизатор деб биламан. У ўтган йили «Ўзбекистон» маркали тўрт қаторли агрегати билан 670 тонна пахта терди. Бу салкам бир хўжаликнинг пахтаси. Ҳадемай совхозимизда номини қўшиққа қўшиб айтса

арзийдиган механизаторлар кўплаб етишиб чиқишига кўз етиб турибди. Менинг ҳозирга-ча ишим шунчаки машқ».

\* \* \*

Утган йилнинг куз ойларида — «оқ олтин» теримининг айна қизгин чоғида, бир гуруҳ ёзувчилар: Ҳамид Ғулом, Иброҳим Раҳим, Рамз Бобожон, Туроб Тўлалар билан Дўстлик районининг далаларини айландик. Район партия комитетининг биринчи секретари Расул Ҳусанов бизни Шамсиқамар ишлаётган пайкалга бошлади. Ҳар ким ўз қаҳрамони: Ҳамид Ғулом, Тўланбой Дадажонов билан, Рамз Бобожон 7-бўлим бошқарувчиси Қўйсинбой Муллабоев билан, Иброҳим Раҳим машҳур механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутати Мамажон Дадажонов билан, Туроб Тўла эса машинасини шердай ўкиртириб келиб «пўлат аргумоғидан» тушган Шамсиқамар билан суҳбат қилмоққа тутинди.

Мен эса ўрта бўйли, сарвқомат, қош-қўзи тумандай, бир боқишда хаёлчан, бир боқишда жиддий бу қизни зимдан кузатмоқдаман. Унинг яхши хислатларини, танқис фазилатларини илғамоқдаман. «Попнинг попуқ қизлари», «Гулёр» сингари машҳур қўшиқлар авторининг қошида ўзини қандай тутаётганини, юришини, туришини, гоҳ қовоғини солиб, гоҳ чамандай очилиб кулишини қандай қилиб шеърга солиш ҳақида ташвишга тушмоқдаман.

Ниҳоят, мен уни уч хил қиёфада кўрдим, кузатдим:

Бирламчи — рулга ўтираётган чоғида, кат-

та тўдага тушаётган чавандоз сингари чаққон, чаптаст, шижоатли. Рудан тушаётган чоғида кишига узоқ-узоқлардан учиб келиб улкан қояга қўнаётган қарчиғайни эслатади.

Иккиламчи — суҳбати ширин. Кам гап. Узун саволга қисқа жавоб.

Ҳумо ўлтиришли, лочин туришли,  
Кабутар тўпиқли, оҳу юришли.  
Қизил деса — қизил, ол деса — ол қиз,  
Мирзачўлда шакар, Бахмалда бол қиз.

Қарашлари майин баъзан шиддаткор.

Учламчи — яхшига ҳарна ярашар, комбинезони бўй-бастига қуйиб қўйгандай. Ҳафта-лаб тош ойнага қарашга қўли тегмаса ҳам кишига оқу қизил — нақшин олмани эслатади.

Доримасин ҳазон ҳеч, униб-ўсган боғига,  
Кўз тегмасин кўзига, қирмизи ёноғига.  
Ўсмага ҳеч ўрин йўқ, қошин қаролигидан,  
Ўзин кўз-кўз қилмасди гўзал иболигидан.

Шамсиқамар табиатан ўғил болага ўхшайди. Унда ортиқча тортинчоқлик йўқ.

Борлиқда баҳор. Ўру қирда, тоғу тошларда баҳор. Одамзоднинг кўнглида баҳор. «Қий-чув» солиб узоқ шимолга йўл олаётган турналарнинг пастлаб учиши — бу йил яна деҳқон йили, қут ва барака йили, тўй-томошалар йили эканлигидан нишона.

Чечаклар қопламиш анҳор бўйини,  
Дарёда бошланмиш суқсур ўйини.  
Қир — сойга ҳайдади чўпон қўйини  
Ҳар ерда кўрамиз меҳнат тўйини.

Бу билан мен Шамсиқамарлар даласига қўшиқ ва қаҳрамон излаб учинчи келишим. Гулгун баҳор ташвишлари авжида. Шоввозларнинг меҳнат тўйлари республика ҳосил тўйига бориб туташшига кўнгил бовар қилиб турибди. Бу уларнинг шу кунги ҳаракатидан, баракатидан белгили. Бу йил ҳам омадинг келсин меҳнатсевар қиз Шамсиқамар дея мен унинг кенг пахта пайкалларига боқаман.



---

## ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИНИНГ МАНАСИ

Олтмишинчи йиллар. Устоз кўриб, пирга йўлиққанамча йўқ. Кам ўқиб, кўп ёзаман. Бир Эргаш бобога эргашиб, бир Фозил отага тақлид қиламан. Биласиз: тақлид қилиш билан тонг отмайди. Узоққа бориб бўлмайди. Шуларни ўйлаб Гулханий домланинг «Маймун билан Нажжор» масалидаги Маймуннинг куни бошимга тушиб қолмаса бўлгани, деб юрагимга ғулғула тушади. Ниҳоят, ўзимча «классик саналган бир туркум терма, ўланларимни «Шарқ юлдузи» журнаliga олиб бордим. У ердагилар: «Сизни у куни Миртемир ака йўқлаётганди. Бир кўриниш бериб кетинг», дейишди. Кўнгилдаги гап. Учрашдим. Учрашганда ҳам устоз билан учрашдим.

Устоз — халқимиз томонидан яратилган ўлмас образ. У кишиларга ҳамisha яхшиликни раво кўради. Кимсага ёмонлик соғинишдан ҳазар қилади. Уни кўрган, қўлини олган киши ниятига етади. Шу сабабдан буюк одамларнинг суҳбатида бўлган, ўғитини эшитган ёш-ялангга қарияларимиз: «Устоз кўрибсан. Сенга пир йўлиқибди», дейди.

«Дўмбирам» билан «Болдизим» шеърларим-

нинг домлага маъқул тушганидан бошим осмонда. Бошқа машқларимни ҳам бир кўздан кечириб деди:

— Қолганлари ҳали қалам уришга муҳтож. Маҳорат етишмайди. Октябрь ойида Ўрта Осиё ёш ёзувчиларининг семинар-конференцияси бўлади. Ушанда сени ҳам чақирамиз. Қолган гапнинг ҳаммасини ўшанда гаплашиб оламиз.

Тенгқурларим ва мен учун энг муборак бўлган ой келиб, семинар бошланди. Ойбек, Ғафур Ғулوم, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода сингари буюк ёзувчиларнинг оламга бергусиз суҳбатлари, у учрашувлар, у мунозаралар... Бирдан бундай улкан йиғинга аралашувим, сўзсиз, устознинг шарофати эди. Кўриб турибсизки, шундан бери қўлдаги созни куч етганича тириглатиб келмоқдамиз.

Туман йиллаб тилимиздан тушмай келаётган теран мазмунли мақолларни, танқис ибораларни халқимиз донишмандлардан қолган гап, дейди.

Йўртоқ йўлдош бўлғайми йўрға зоти билан ҳеч,  
Лочин сирдош бўлғайми қарға зоти билан ҳеч.

Устознинг бу қуйма сатрлари қайси донишманднинг гапидан кам?

Доно, донишманд, машҳур, ҳозиржавоб кишиларни халқимиз афандига ўхшатади. Афанди ҳақидаги латифаларнинг эса саноғи йўқ. Устознинг кўнгилчанлиги, беозорлиги, камтарлиги, вақтида қўшқўллиги, вақтида қаттиққўллиги хусусида ўз шогирдлари томонидан яратилган «Икки томчи чой ила коньяк қиссаси», «Тўнка ёриш муоммоси», «Озор ема-

дингми ерга тушгунча» сингари латифалари бир талай.

Беруний мукофотининг лауреати Озод Шарафиддинов устоднинг поэтик олами ҳақида гапириб, у кишини шеърятимизнинг бобо деҳқони деб атади. Бу ерда гап устоднинг поэтик мактаби ҳақида бораётир. «Қарқаралик», «Қимиз», «Мен сени», «Сой», «Ялияли», «Қирғизистон»... Бу шеърлардаги ҳиссиёт, бу шеърлардаги фикриёт, бу шеърлардаги кашфиёт... Бундай шеърларни тўрт улкан манба, тўрт буюк уммон — халқ оғзаки ижоди, классик адабиёт, қардош халқлар, ниҳоят, жаҳон адабиётидан баҳраманд бўла олган, битмас-туганмас хазинанинг ўрдасини топа олган ижодкоргина ёза олади. Бу тўрт манба — устод мактабининг асосий қўлланмалари.

«Зайнаб ва Омон», «Кўкан батрак», «Жонтемир», «Сурат»... Тўрт титан ижодкор томонидан яратилган бу тўрт поэма олдида тушадиган поэмалар ўзбек совет адабиётида ҳали яратилганича йўқ. Буни адабиётдан жиндай хабари бор ҳар қандай киши мунозарасиз эътироф этади.

«Шоҳнома»дек асари бор кишига — «Фирдавсийга таъриф ва тавсифнинг нима кераги бор», деган эди Абдураҳмон Жомий. Шунингдек: «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон», «Россияда ким яхши яшайди», «Манас», «Қирқ қиз» ҳамда «Одиссея» сингари шоҳ асарларни ўзбекчалаштирган улкан қалб эгасига таъриф бериш қанчалик мушкул! Устоднинг «Манас»ни таржима қилишида бир сир бор. Тўғрироғи, шоирнинг довюракликда, ёвюракликда Манасга ўхшашлиги бор. Аниқро-

ги: Миртемир оға — шеърятимизнинг Манаси. Ахир бу асарларнинг ҳар бири бир ижодкорнинг қарийб бир умрлик иши, бир умрлик ташвиши.

Миртемир оға — ёшларнинг энг яқин мураббийси. Шоирнинг «Қиприklarим» шеъри фикримизнинг гувоҳи. Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Барот Бойқобилов, Олимжон Холдор... Булар — шоирнинг қоши ила қовоғи орасидан жой олиш бахтига муяссар бўлган муносиб шогирдлари.

Шеър таҳрир қилишни, унга сайқал беришни Миртемир оғага чиқазган. Бу гапимни исботлашга ҳаракат қиламан:

«Онаизор» шеъримни биргалашиб кўрмоқдайдик. Унда шундай сатрлар бор эди:

Қайдам душман қўлига банди бўлиб тушдим,  
Душман билан шармисор бўлиб тил топишдим?

Оға ўйлаб-нетиб ўтирмади-да, кейинги сатрни ўчириб ёзди:

Қайдам душман қўлига банди бўлиб тушдим,  
Банди бўлиб тушдим, анди бўлиб тушдим?

Бу тамоман бошқа гап эди. Кўнгил ҳам жойига тушди. Сатр ҳам.

Миртемир оғанинг уйи ҳамиша ўз шогирд ва дўстлари билан гавжум бўлади. Бирон кун йўқки шоирнинг муборак хонадони меҳмонсиз бўлсин. Совет адабиётининг жуда кўп улкан намояндаларини асосан устознинг уйида кўрганман.

Қозоқ адабиётининг етук оқсоқоли Собит Муқановни устознинг қутлуғ хонадонида неча бор кўрганим, суҳбатидан баҳраманд бўлганим бор. «Яхшининг юзи жаннатдир, они кўр-

моқ ғаниматдир», деган нақлни Собит оғага қарата бемалол ишлатса бўлади. Уз оти ўзи билан Собит оға! Суҳбати ғоят даражада самимий. Ҳазилкаш. Дилкаш, беҳикмат гапийўқ. Бир гал Миртемир оға ҳақида деганини айнан келтираман:

— Бизди жазданда, аязданда кийим асраб, кийим одам қилиб туради. Миртемирдинг маған жақиндигида, қозоқ халқини жақиндигида сўндай.

Ўшлик шоир Турсунбой Адашбоевнинг ҳам домла ҳақидаги шу гапини сўзма-сўз келтиришга тўғри келди:

— Миртемир оға Қирғизистонда шундай машҳурки, ҳар бир қирғиз китобхони у кишини ўзимизнинг шоиримиз, тўғрироғи, қирғиз шоири деб тушунади.

Ҳар бир қорақалпоқ, учун эса устознинг номи нечоғли ардоқли эканлигининг боиси барчага белгили.

Шу ўринда мен устод ижодини Сири муборакка ўхшатгим келади: Сир қирғиз, қозоқ, ўзбек ҳамда қорақалпоқ ерларини боғлаб, кетсиз, кўламсиз, саҳроларга жон ато қилади. Миртемир оғанинг асарлари эса бу халқларнинг дилини боғлайди.

Шунингдек Миртемир оғанинг асарлари иттифоқимиздаги барча қардош халқларнинг китоб жавонидан, кўнглидан аллақачонлар жой олган. Устоз асарларининг бунчалик севиб ўқилишининг сабаби: у киши ўз шеърларини моддий манфаат учун, шуҳрат ё салтанат учун ёзмайди. Балки адабиётимизнинг шарафи учун ёзади. Шунга қарамай устоз ўзлари ҳақида дейди:

— Ҳали мен ёзув столига астойдил ўтирган-  
ним йўқ. Халқимга айтишим керак бўлган  
гапни айтолганим йўқ.

Бир ҳисобдан устоз шундай дейишга ҳақли  
сабаб: олтмиш ёш улкан ижодкор учун йигит  
ёши ҳисобланади. Ҳали устознинг олдида ет-  
мишга етиш, саксондан сакраб ўтиш, тўқсон  
билан тўқнашиш, юз билан юз кўришиш ва-  
зифалари турибди. Насиб қилса каминангиз-  
нинг олдида ўз суюкли устозини қирқ йилдан  
сўнг мазкур «Гулдаста» билан табриклаш ва-  
зифаси турибди:

Отинг бўлса «чу» деганда юлдуз сари учгудай,  
Яшин каби шиддат билан еру кўкни кучгудай.  
Ер топинса ларзасидан тоғлар тоши кўчгудай,  
Қут қадами етган ердан «Балогардон» қочгудай  
Шоир минган арғумоқ ҳам бу тур отдан қолишмас!

Ўз халқининг бахтин куйлаб, шоир топди эътибор,  
Тулпорининг қанотида «учқур» деган хати бор.  
Олдин кўрар кўзларида туман тарлон ўти бор,  
Синов пайти пойгаларда олиб берган зоти бор.  
Минган саман йўрғасини, минг йўртоққа алишмас.

Соҳиби ҳам кўпни кўрган чавандоздан устивор,  
Кучга тўлган навқирондай йўлбарс янглиғ пурвиқор.  
Қорли тоғлар қоясидан салобатли, кўрки бор.  
Бошида байт, жир, ўландан қарқараси бўрки бор.  
Шеър бобида яна юз йил наъра тортсин, соз тортсин.

Тутар бўлдим «Енгажон»нинг қайнисига гулдаста.  
Керак бўлса жонини ҳам қиймасига гулдаста,  
Ҳазилкаши, кўрар кўзим, сийнасига гулдаста.  
Манзилкаши, соғинганда ҳумосига гулдаста,  
Шоир созин бундан минг бор сара тортсин, соз

тортсин.

---

## ХУШ КЎРДИК, САҒО КЎРДИК

Бугун эрта туриб тонгни кўрдим,  
Оқ шоҳи рўмоли бошида.  
Уфқ кийинтириб гўзал фалак,  
Сочини тарайди қошида...

Ўзбек адабиётининг атоқли, ардоқли оқсоқоли, академик Ғафур Ғуломнинг содиқ шогирди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Ғамид Ғуломнинг шарофати билан бу кун тўрғайдан олдин туриб тонгни кўрдик. Хусусан, субҳи содиқда уйғониб муборак Тошкент тонгини томоша қилганга не етсин! Устоз шоир Шайхзода:

Нимаси кўп Тошкентнинг  
Суви, сойи, сояси,  
Тошкентга ихлосманднинг  
Тугамас ҳикояси,

деганидай пойтахт хиёбонларини, боғ-роғларини айланиб, нонуштани Ғамид оғаникида қилдик.

— Ёзув-чизув билан тонгда туриб шуғулланишнинг хосияти ўзгача,— дейди Ғамид ака. Галдаги сўз Тошкентнинг ўтмиши билан келгусидаги истиқболи хусусида кетди. Дунёнинг

етти мўъжизаси ҳашар билан битган дейдилар. Дарвоқе, дўстларимизнинг кўплашиб, кўмаклашганидан муаззам Тошкентимиз табиатининг саккизинчи мўъжизаси бўлиб қад тиклади. Шу ўринда бу муқаддас шаҳри азимнинг сифатини ҳазрати Ғафур Ғулумдан ошириб айтиш мушкулроқдир:

Бебаҳо Тошкентимиз, наҳоринг кундуздан шан,  
Меҳнаткаш, мунис ўртоқ, қадрдон дўст, эмакдош.  
Ҷиши — ёз, куни — баҳор, туни кундан равшан,  
Лондон, Париж, Румога алишмайман кўҳна Шош.

Ҳамид Ғулум зуволаси ана шу кўҳна Шошда йўғрилиб, ана шу навқирон шаҳарда камол топган мартабали ёзувчилардан. Кунни кеча Ғафур Ғулумдай, Ҳамид Олимжондай буюк бир зотларнинг шогирди эди. Бугун ўзи устоз. Бугун эса ўзининг саноқсиз ихлосмандлари бор.

Гулистон районида чиқадиган «Гулистон» газетаси қошида ташкил этилган «Бўстон» адабиётчилари тўғарагининг аъзолари ўзларининг севимли ёзувчиси эллик ёшга тўлган кунда шундай табриклашган эди:

Биз йўллаймиз Сир бўйидан,  
Сизга Сайхун умрини.  
Умри билан теранлиги  
Ёзини, баҳорини.

Гуркирасин ижодингиз,  
Сойнинг тошқин чоғидай.  
Мартабангиз буюк бўлсин  
Туркистоннинг тоғидай.

Ҳамид оғанинг йўли Сир бўйига тез-тез тушиб туради. Мирзачўл воҳаси, унинг кечми-



ши ва камоли, иродаси пўлатдан мустаҳкам Феруза ва Норқўзилари ёзувчининг кўзига илҳом париси бўлиб кўринади. Боғига яраша булбули дегандай, чўл шамолида чиниқиб Янгирнинг бағрида ўралашиб катта бўлган Ҳалима билан Ҳамроқуллар — шоирнинг қўш қаноти Шарофат Норқулова, Турсуной Рўзматова, Ботир Холдоров, Холида Пардабоевалар ҳам шоирга шогирд тутинган қаламкашлардан... Ҳар гал Тошкентга тушганимда Ҳамид оға мендан ўз шогирдларини, ўзининг 1958 йили биринчи ташкил этган бадий тўғарагининг ижодий фаолиятини, кимнинг қандай ёзаётганини зерикмасдан сўрайди. «Сенга интиламан» китобидаги қаҳрамонларнинг тақдири билан қизиқади. Гулистонга тез-тез келиб турмаса, гўё ўзининг севимли қаҳрамонлари — Шерали билан Асалхонлардан ажралиб қоладигандай туюлади. Дарвоқе балиқ сув билан тирик бўлгандай, ёзувчи ҳаёт билан, одамлар билан тирик. Донолар шогирдсиз алломани мевасиз ёғочга ўхшатадилар. Шу ўринда Ҳамид Гуломни сермева, серсояли дарахтга ўхшатса бўлади. Бу сифат ёзувчининг юбилей кунларида тўлин ойдай равшан бўлди. Ёзувчининг дўст ва ёронлари, мухлис, китобхонлари ўзларининг энг яхши истакларини изҳор этганлари ажабланарли эмас эди:

\* \* \*

«Ҳамид Гуломнинг ижодини беш қиррали юлдузга ўхшатиш мумкин...»

«Ғафур Ғуломнинг назари ҳар кимга туша бермас эди. Ҳ. Ғулом — Ғ. Ғуломнинг назари тушган ёзувчи...»

«Майдонда синалган элда азиз. Ҳ. Ғулом майдонда синалган ижодкор...»

«Ўзбек адабиётида муҳаббат ҳамда пейзаж лирикасининг пири бўлмиш устоз Уйғун таъбири билан айтганда, Ҳ. Ғулом — саодат қўллаган шоир».

«Ҳ. Ғулом — ҳавас қилгулик нотиқ, публицист. Жаҳоннинг жуда кўп жойларини кўрган жаҳонгашта ёзувчи. Партиянинг содиқ солдати...»

«Ҳамид Убайдулло ўғли бугун эллик ёшга тўлди. Эллик ёш йигитлик ёшидир».

\* \* \*

Тўй ўтағаси галги сўзни тўй эгасига беради. Тўй эгаси тўлқинланиб, ўз шаънига кўрсатилаётган бу муносиб мулозиматдан ҳам ийманиб, ҳам қувониб мажлис аҳлига таъзим-тавозе билан миннатдорчилик билдиради:

— Менга кўрсатилган бу иззат-икромларнинг ҳаммасини устозларим: А. Қодирий, Ҳ. Олимжон, Ғ. Ғулом, Шайхзодалар хотирасига бағишлайман. Елкадош ҳамкасбларим билан ёш дўстларимга бағишлайман...

Ҳозир ёзувчининг айни камолга етган чоғи. Ижодининг гуллаб, гуркираган кези. Шу ке-

чаю кундузда Муқимий номли театрда қўйлаётган кейинги асари — «Ажаб савдолар»нинг омад борасида «Тошболта ошиқ»дан ошиб тушадиган томони бор.

Ҳамид оға ижодида «сукут сақлаш» деган гап йўқ. Ёзувчининг бу ҳислати барчага матбуот орқали белгили. Ёзувчининг Мирзачўл кишилари ҳаётидан олиб ёзилган «Сенга интиламан», («Голодная степь») романи Москвадаги «Советский писатель» нашриётида юз минг нусхада чоп этилди.

— Сирдарё воҳаси битмас-туганмас ижод манбаи. Шарқ машъали, қондош-қариндошлик рамзи. Уша афсонавий Боғи Эрамларга бергусиз бу водий ҳақида қанчалаб китоб ёзса арзийди,— дейди ёзувчи. Шунинг учун ҳам Ҳамид оға Ленин назари тушган бу бўстон бунёдкорлари билан бир кун ҳам боғланмасдан туролмайди. Шу вайдан гулистонликлар Ҳамид Гуломни ифтихор билан, бизнинг ёзувчимиз, деб аташади. Мактаб ўқувчилари эса хатлашиб, хабарлашиб, тез-тез учрашувлар ўтказиб туришади.

Алҳосил, ёзувчи нонуштадан сўнг бизни бу кунги режалари билан таништирди:

— Шу бугун сизлар томонга боришни кўнгил тусаб турибди. Усиз, сирдарёлик дўстлар кўпдан бери таклиф қилиб келишади. Кўзга яқин, кўнгилга ёвуқ дўстлар билан бориб бир дийдорлашиб келсак қандоқ бўларкин?

— Маъқул ва манзур бўлади-да.

Сирдарё районидаги машъал хўжаликлардан ҳисобланган «Правда» колхози боғидамиз. Меҳмон отангдан улуғ, бир-бирига иззатли, бир-биридан эътиборли қалам соҳиб-

лари — адабиётимизнинг кўрки, Ўзбекистон халқ шоири Уйғун, драматург Ҳамид Ғулом, бир неча романлар автори Иброҳим Раҳим, шоир ва адиб Мирмуҳсинларни артель аъзолари номидан колхоз раиси Жуман Мама-нов, район меҳнаткашлари номидан эса рай-он партия комитетининг биринчи секретари Муҳитдин Қаримов билан район ижроия ко-митетининг раиси Умар Хўжаев ўртоқлар қўл-ларини кўксиларига қўйиб кутиб олишдилар. Тошкент пиёласида тановул қилинган бир пиёла кўк чойдан сўнг сўз гапга, гап ўланга уланиб кетади.

Муҳтарам меҳмонлар шаънига битилган шеърлар ўқилади:

Олқор табиатли оқиндай қувноқ,  
Дили дилимизга яқин ва иноқ,  
Кўнгли Олтинтопган сийнасидай оқ,  
Нафаси безавол, қадами қут, пок,  
Азиз меҳмонларни хуш кўрдик,  
Хуш кўрдик, сафо кўрдик.

Ҳар фурсат, соати саодатга эш,  
Меҳнат, муҳаббатга, тароватга эш,  
Дўстдан улгу деган зап одатга эш,  
Лабда кулгу деган шаҳодатга эш,  
Соҳиб давронларни хуш кўрдик,  
Хуш кўрдик, сафо кўрдик.

Мавзу хўжалик истиқболи, юксалиши, ки-шиларнинг фаровон турмушига кўчди. Кол-хоз марказининг чинакам «Боғи Шамол»ни эслатиши меҳмонларга завқ бағишлайди. Бу гигант хўжаликни бошқаришда Жуман ака-нинг меҳнати, жонкуярлиги ҳурмат билан

тилга олиниб, меҳмонлар бу киши хусусида: «Жуманбулбул дostonчиликнинг пири бўлган бўлса, Жуман ака деҳқончиликнинг пири экан» деган қарорга келишади. Бу ердаги ишнинг ташкил этилиши, кишиларнинг тартиб-интизомидан руҳланган шоир Мирмуҳсин:

— Менинг бир нарсадан «ичим чиқмай» турибди: бу хўжаликдан «Муштум» боп материал топиш қийинга ўхшаяпти,— деганида бу ҳазиломиз гапдан даврада гуррос кулгу кўтарилади.

— Ҳамид ака, сизнинг шарофатингиз туфайли улкан ёзувчилар билан юз кўришганимиздан шодмиз. Кўзимиз Уйғун аканинг шеърлари билан очилган десам, бу гапим ўзгаларга эриш туюлмас. Колхозимизга тез-тез ташриф буюриб туришингизни артель аъзоларимиз номидан илтимос қиламан. Ёзувчиларни булбулга ўхшатадилар. Сизлар учун боғимиз ҳам, бағримиз ҳам ҳамиша очиқ.

Жуман ака Ҳ. Фуломга сарпо кийгизди. Тўну дўппи билан белбоғ ёзувчининг алифдай қадду қоматига ярашиб тушди. Доно ёзувчининг суҳбатидан сархуш бўлиб суҳбатни мухтасар этамиз. Донолар, дунё тургунча турсин деган гапни Ҳамид оғага ўхшаган яхшиларга айтилган деса бўлади.

---

## ҲАМҚИШЛОҚЛАРИМ

Бир томонида қирғиз қирлари, бир ёни қо-  
зоқ элининг кўламсиз саҳролари, бир тарафи  
қондош тожик халқининг ўркач-ўркач тоғла-  
ри, бир чеккаси жондош туркман овуллари  
билан тутшиб кетган ота юрт, олтин беши-  
гимизда пахта терими авжида.

Юрса ерни ларзага келтирадиган қарағай  
қомат йигитларни на кундуз уйдан топиб бў-  
лади, на тунда. Уларнинг шу кечаю кундуз-  
даги шиори:

Ур деса номард қочур,  
Мард қолур, майдон ичинда.

Ўз бахтини ўз боласи бахтида, ўз камоли-  
ни ўз набираси камолида кўриб шу кунимиз-  
га, шу камолимизга минг бор шукрона келти-  
рувчи қарияларни гапга солсангиз шу жавоб-  
ни оласиз:

— Қўрамизнинг қўйга, ҳамёнимизнинг  
пулга тўлалиги «оқ олтин»дан. Данфиллама  
уй қуриб, қўш карнай устига қўш сурнай қи-  
либ элга ош беришимиз — пахтанинг шаро-  
фати, «Волга» турган жойда «Москвич»ни  
мингимиз келмайди. Буларнинг ҳаммаси пах-  
танинг хосияти. Пахта эса бошдан-оёғигача

меҳнат билан бўладиган нарса. Мартабамизнинг баланд, ризқимизнинг фаровон, дастурхонимизнинг тўкин бўлиши эса меҳнатдан. Меҳнат қилганнинг юзи ўтдан иссиқ, хусусан шу кечаю кундузда не иш қиларини билмай кўча-кўйда саланглаб юрган кимса кишининг кўзига кузакдан совуқ кўринади.

Шундай қилиб ҳамма «оқ олтин» даласига от қўйган. Ахир деҳқон биргина ерга чигит ташлаш учун уч ой тайёргарлик кўради. Ерга яхоб суви беради, далага ўғит чиқзади, ерни оби-тобига келтиради. Уч ой ғўзани ўз боласидай авайлаб парвариш қилади, ўтини ўтаб, сувини тарайди. Ўзи чанқаса чанқайдики, ғўзасини чанқатмайди. Ғўза қийғос очилиб чаман-чаман бўлмагунча на овқатида ҳаловат бўлади, на уйқусида. Шу важдан бу кечаю кундуз — деҳқоннинг орзуси ушалган, меҳнати юзага чиққан, «оқ олтин» чамани еру кўкни тутган қутлуғ кез. Аниқроғи, «оқ олтин» чаманининг сони осмонда юлдуздан кўп. Бир томони машриқ, бир чеккаси мағриб билан тутшиб кетган пайкал ичра «зангори кема»ларни қир келса қиялатиб, ўр келса ўрмалатиб юрган хипча белли қизларнинг, елкали йигитларнинг саноғи осмонда юлдуздан кўп. Тушгача ўқиб, тушдан сўнг ўз ота-оналаримизга кўмаклашамиз, бир қатра бўлса ҳам республикамизнинг улкан пахта хирмониغا ўз улушимизни қўшамиз, деб пахта йиғим-теримида қатнашаётган ўқувчиларнинг, пахтанинг ҳар бир чигитини нондай азиз деб тушунувчи қарияларнинг саноғи осмонда юлдуздан кўп.

Тўй бўлса тўйга монанд оқин халқимиз,  
Меҳнатга азал бошдан яқин халқимиз.  
Жамики нозу неъмат меҳнат билан,  
Меҳмонга дастурхони тўкин халқимиз,

дегандай кўзининг нури, белининг қуввати,  
билагининг кучи, узлуксиз меҳнати билан мўл  
ҳосил етиштириб, бор кучини, бор имконияти-  
ни, бор қудратини ишга солган пахтакорнинг  
бугунги ғайратини, ҳимматини сўз билан  
ифода қилмоқ учун ҳазрати Ғафур Ғулом  
билан суюкли Ҳамид Олимжондан мадад ти-  
лашдан ўзга чора йўқ.

Сабаби:

Етти иқлимга бергусиз Фарғона водийсида  
ҳам, ҳали-ҳали йўлбарс ўкириши билан арс-  
лон наъраси қулоққа чалиниши мумкин бўл-  
ган Зарафшон бўйларида ҳам, эртаси бугун-  
дан ёруғроқ, муборак Сир қирғоқларида ҳам  
«оқ олтин» теримига сафарбарлик эълон қи-  
линган. Поёнсиз далаларда қозоқ ўлани, ўзбек  
ялласи, рус лапари, украин кўшиғи билан,  
қирғиз сози, туркман овози билан ҳамоҳанг.  
Қаерда бўлманг, қай манзилга кўз тутманг,  
ёшу кексанинг сўзи шу:

— Бу йилги хирмонимизнинг салмоғи тўрт  
миллион тўрт юз мингдан зиёд бўлса бўлади,  
кам бўлмайди. Ҳосилимиз етарли. Имкония-  
тимиздан бир қатра зорланиш йўқ. Узатган  
ерга қўлимиз етади. Оғиримизни енгил, муш-  
кулимизни осон қиладиган қудратли техника  
хизматимизда. Бағримиз бутун. Хаёлимиз па-  
ришонхотирликдан холи.

Икки оғиз сўз ҳамқишлоқларим — тўй куни  
тўйдошларим, қора кунда қайғудошларим ху-



сусида. Ўз қишлоғим ҳақида гапирганим — ўз она юртим ҳақида гапирганим. Ўз ҳамқишлоқларим ҳақида деганим — қоқилганда қўлаб, сурилганда суяб қоладиган ўз элим ҳақида деганим. Ҳамқишлоқларимнинг ота касби — пахтакорлик. Турар жойлари Гулистон районидаги «Партия XXII съезди» колхози. Ўйлари ҳам бир, тўйлари ҳам бир. Топганлари ўртада. Ҳар бири ўз ишининг академиги.

Аширқул Усмонов — шу улкан оиланинг бошлиғи. У олий маълумотли раис, пахтачилик илмининг пири. Қаттиққўл. Бир сўзлик. Машҳур пахтакор Ҳамроқул Носировнинг тарбиясини кўрганлардан. Майда гапга тоби, ғийбатга тоқати йўқ. Қўлига биронта қўли эгри тушиб қолгудай бўлса, тавбасига таянтирмагунча қўймайди. Аширқулнинг бу сифатлари кўпга маъқул. Шунинг учун ҳам хўжалик бошлиғининг айтгани айтган, дегани деган.

Кибор Дадаев — Мирзачўлнинг шўрини ялаб катта бўлганлардан. Деҳқон табиатли, олифталикка ҳуши йўқ. Педагогликдан етишиб чиқиб, партком бўлган, билимдонлиги билан хўжалик аъзолари орасида обрў топган йигит.

Пахта терими ва уни давлатга топшириш кўнгилдагидай. Иш шу йўсинда кетса, келаси ҳафталарда манзилга етамиз. Бироқ барча юмуш шуни билан тугайди деган гапмас. Бу — ҳали партия ташкилотининг плани бўйича қилинадиган ишнинг юздан бири.

Колхоз партия ташкилотининг секретари ана шулар ва галдаги ишлар ҳақида жиддий мулоҳаза юритади. Бу ишларни амалга оши-

ришда у коммунистларга суянади. Коммунистлар эса колхоз аҳлига суянади. Қолхоз аҳли эса ўз меҳнатига, ўз ҳукуматига суянади.

Шарифа Искандарова, Лола Додаева, Садрия Фадлиева — бу қизларнинг ёши ҳам, дунё қараши ҳам, маълумоти ҳам, орзу-ўйлари ҳам бир. Буларнинг номи ўрта мактабни тугатмасданок, тилга тушган. Сабаби буларнинг ҳар бири:

Тўлин ой бўламан дер,  
Тошқин сой бўламан дер.  
Тонналаб пахта териб,  
Турсуной бўламан дер.

Уч дугона ўтган йили биргаликда битта терим машинасида 120 тонна «оқ олтин» териб мўйлови эндигина сабза урган йигитларни ҳайратга солишган эди. Бу йил ҳар бирининг қўлида етуклик аттестати. Буларнинг бу йилги ишлари, интилишлари, комбизнесонни кийиб олиб машинада пахта теришлари ҳақида китоблар битса арзийди.

Ниҳоят, хўжаликнинг ҳар бир аъзоси, ҳар бир раҳбари, ҳар бир бригада бошлиғи тўғри-сида соатлаб сўзлаш мумкин. Яхшиси энди дала кезганимиз маъқул. Кезганда ҳам ё қўлни чўнтакка солиб, ё гўдайибмас, эгатма-эгат юриб кезганимиз яхши. Шунда ишимиз ўнгидан келади. Сўзимиз қовушади. Ҳамсуҳбатимизнинг кўнглида нима борлигини билиб оламиз. Ниҳоят, Сотвалди отани гапга соламиз:

— Мен тракторни Мирзачўлда биринчи бўлиб ҳайдаганларданман. Қандай ҳайдаганим,

қандай эътибор топганимни ҳозир айтиб ўтиришга вақт йўқлигини кўриб турибсизлар. Куз ҳавоси. Дам ғанимат. Бир тола пахтанинг ерда қолгани — ноннинг ерда қолгани. Қолхоз менинг кучимга, ишимга муҳтож ҳам эмас. Мен далага дам олиш учун чиқаман. Мана шу ерларда ўтган ёшлигимни қўмсаб чиқаман. Ёшларга қўшилиб яшаргандай бўлман. Унингсиз, ҳадемай бўладиган ҳосил тўйи кунларида кишининг тили узун, юзи ёруғ бўлади. Насиб қилса меҳмонхонанинг тўридан жой оламиз.

Донишмандлар меҳнатсиз муҳаббатни, муҳаббатсиз меҳнатни фарқ бўлган кемага қиёс қиладилар. Шунинг учун ҳам меҳнатни суйган киши қандай севиб, қандай севилишни ҳам яхши биледи. Биздан икки-уч эгат нарида бир қиз билан бир йигит. Бир-бирига тик қарай деса ўртада шарм деган нарса турибди. Йигитнинг ичи тўла гап. Қиз эса ўзини қўйгани жой тополмайди. Орқароқда эса иниси. Эгатни чала қолдириб ташлаб кетишнинг чораси йўқ. Тўғрироғи йигитни ёлғиз ташлаб кетгиси йўқ:

— Лаъли лабинг ол сулув,  
Сочинг мажнунтол сулув,  
Оқ юзингга хол бўлсам  
Келмайми малол, сулув!

Йигитнинг тўсатдан ташлаган бу саволи қизнинг кўнглига ғулғула солди. Малол келмайди дейишга ҳаё йўл бермайди. Бундай демай деса — бунинг иложи йўқ.

— Қош қораси — қораси  
Хаста дил садпораси.

Хол бўлгунча бўлурсиз  
Бу жаҳон аввораси.

Қизнинг бу гапидан йигитнинг оғзи қулоғига етиб дейди:

— Мен овчиман, овчиман  
Сенга суйканувчиман.  
Бу кун сендан дардимга  
Даво сўроқловчиман.

Йигитнинг хиёл ҳовлиқиб кетиб бундай дейишига қиз яна жавоб қайтарди:

— Олтин топган дараси  
Дараларнинг сараси,  
Табибга муҳтож йигит  
Одамнинг бечораси...

Бу йигит ҳали-бери бу қизнинг кўнглини топгунча бир неча қовун пишиғи борлигига кўзимиз етиб, бечора йигитга раҳмимиз келади.

Эгатма-эгат юриб, Хосият опа Боймирзаевага беткай келамиз. Ҳорманг, бор бўлингдан сўнг Хосият опа гапга тушиб кетади:

— Пахтани қўлда тераётганимнинг сизларга эриш кўринаётганини ўзим ҳам сезиб турибман. Тўғри, ҳозир пахтани қўлда териш билан тонг отмайди. Қолхозимизда ўн учта пахта терим машинаси бор. Ҳар бири кам деганда ҳар куни 15 теримчининг ишини қилади. Бироқ ҳамма ишни машина қилар экан деб, ким ҳам қўлини қовуштириб тура олади?

Ҳақ гап. Хосият опанинг бу гапини ёш муаллима қиз Фотима Рустамова қўллаб-қувватлайди:

— Қолхозимизда жами ишга яроқли кишилар уч юзга яқин. Юқори синф ўқувчиларининг сони эса икки юзга етар-етмас. Боринг, ҳар куни тўрт юз киши теримга чиқиб, ҳар қайсиси ўрта ҳисобда эллик килограммдан пахта терса, шунинг ўзи йигирма тонна деган сўз. Ана кўрдингизми? Кўплашиб, кўмаклашганга не етсин. Хусусан бу йил колхозимиз аъзолари гектар бошига 25 центнердан ҳосил кўтаришга сўз беришган. Бу ўз-ўзидан бажариладиган ишмас.

Дала айланишда давом этиб, колхоз агрономи Қосимжон Султоновнинг гапларига қулоқ тутамиз:

— Бир товуққа ҳам дон керак, ҳам сув. Фақат пахтага зўр бериб бошқа тармоқни унутиб қўйган хўжалик раҳбарлари янглишадилар. Биз шуни ҳисобга олиб бу йил олтмиш гектар ерга сабзавот экдик. Ҳозиргача Гулистон шаҳрининг ишчи-хизматчиларига 10 минг тоннадан зиёд сабзавот етказиб бердик. Қолхозимиз ўзининг қарийб юз гектарлик боғи билан ҳам Мирзачўл воҳасида машҳур. Шу баҳорда яна эллик гектар ерга турли хил мевали дарахтлар ўтқаздик. Беш юздан зиёд қора молимиз, беш мингдан зиёд паррандамиз бор. Хўжалигимиз аъзолари учун ҳамма хазинанинг эшиги очиқ. Биргина пахтадан келаятган даромаднинг ўзига иморат солаётганлар ундан кўп, енгил машина ё мотоцикл олаётганлар бундан кўп. Қиз узатиб, келин туширганларнинг ҳисобига етиш қийин. Шунинг учун ҳам қариялар пахтанинг меҳнатидан роҳати кўп дейишади. Дарвоқе, бу қилаётган меҳнатимизнинг роҳатини кўрадиган

кез — пахтакор элимизнинг манзилга етиб, еру осмонимизни ҳосил тўйи қўшиқларининг қоплашига саноқли кунлар қоляпти.

Сўзсиз ўша қутлуғ, ўша улкан тўйга менинг ҳамкентларим ҳам муносиб тўёнлари билан боради. Ўша улкан хирмонда буларнинг ҳам арзигулик улушлари бўлади. Кўнгиллари ўз қўллари билан етиштирган пахталари сингари оқ, давлатлари зиёда, ҳамкентларимнинг армонлари ушалган яхши кунларда хизмат қилишни каминайи камтаринангиз ўзига саодат деб билади. Ҳозир ҳамма далада. Созчи ҳам далада, созанда ҳам далада. Оқил ҳам далада, қиз ҳам далада, қимиз ҳам далада. Ҳали пайкалларда қўл тегмаган чаноқларнинг саноғи осмондаги юлдуздан кўп.

Ҳосил тўйи ишқида ҳар тонгда тўрғайдан олдин туриб барака хирмонларига қут кири таётган уй бекалари билан сарвқомат қизларнинг саноғи осмондаги юлдуздан кўп.

Ниҳоят, устоз Миртемир таъбири билан деганда:

Меҳнат фарзандларисиз, ўзбек сарвинозлари,

Жонлар садаға сизга бекам-бекажонларим.

Пахтазор сулувлари, юртим дилнавозлари

Тоғ бардош, толмас, нозик, эркам-эркажонларим.

---

## ҚАЛДИРҒОЧ<sup>1</sup>

Тайёрига танихўжа бўлишнинг оқибати ана шунақа бўлади! Қайси бир мағриблик сайёҳ, кетсиз, кўламсиз Мирзагулистон ҳақида гапириб шундай деган экан:

— Дунёда ҳозиргача олтита қитъа бор эди. Энди еттита бўлди. Бу — одамзоднинг қўли билан, қудрати билан яратилган, Мирзагулистон қитъасидир.

Ҳақ гап. Ҳалол гап. Шу ўринда Мирзагулистоннинг яқин ўтмишига бир назар: бу ерда қизи бўйга тўлган кишилар қалин учун куёв йигит томонидан қир тўла қўй, сой тўла саман сўрамасдан ё бир меш, ё икки меш, куёв томонлар хотамтойроқ бўлса, беш-олти меш сув сўрашаркан. Қизнинг қадр-қиммати куёв томон берган сув билан ўлчанаркан.

Бу — чечанлар томонидан тўқилган латифа эмас. Бўлган гап. Яна бир мисол: бир туякаш, Абдуллахон гумбазидан ўтиб Сардобага яқинлашганда кўзасида сув тугабди. Бевақт беҳуда ўлиб кетишига кўзи етиб, ўзини

---

<sup>1</sup> Бу лавҳа журналистлардан Баҳор Холбекова ва Ҳамроқул Ризолар билан ҳамкорликда ёзилган.

юлгун тагига ташлабди. Ҳадемай кеч кирибди. Туякашга жиндай жон энибди. Бироқ ярим тунда аъзойи бадани совуқдан жунжикибди. Қалтирабди, қақшабди. Шу аҳволда бир бало қилиб тонгни оттирибди. Туришга ҳоли, юришга мадори йўқ. Яна ётаверибди. Кун чошгоҳ бўлганда чорак чақиримча наридан бир йўловчи ўтаверибди. Овозининг борича товуш қилибди. Бахтига ҳалиги одам қайрилибди. Туякашнинг айтган гапи фақат шу бўлибди:

— Сув!

Оч бола билан тўқ бола ўйнамайди, тўқ бола ҳеч нарсани ўйламайди, дегандай бояги киши туякашни майна қилибди:

— Сув!

— Ҳа, сув, — дебди яна туякаш.

Бир томчи қон берсанг бир томчи сув берман. Балким Тўлан қонхўр деган табибни эшитгандирсан. Уша одам мен бўламан. Қуввати кам беморларни қон билан даволайман. Ҳар томчи қонни тилла баҳосида пуллайман. Сенга қон керакми, жон керак?

— Аввал тирилтириб ол, номард, — дебди ана кетаман, мана кетаман деб ётган туякаш.

Шундай қилиб, Тўлан табиб неча томчи сув берган бўлса шунча томчи қон олибди. Бечора туякаш ичида: «Шундай табиблик қилган падари бузрукворингизга лаънат», деб яна йўлга тушибди. Улай-ўлай деб бир ҳол, афтода ҳол бўлиб кулбаи хонасига етиб келибди.

Алҳол бир ёни Сири муборак, бир тарафи Моргузор, бир чеккаси Етимтоғ билан туташиб кетган Мирзайи азимнинг Мирзагулистон



бўлгунича озмунча сувлар оқиб, озмунча меҳнат қилинмади, озмунча афсоналар тўқилмади дейсизми?! Қанчадан-қанча сувдай тиниқ, йигитларнинг, сутдай тиниқ қизларнинг беминнат меҳнатлари, бегард муҳаббатлари ўз домига кишини аждарҳодай тортгувчи чўлнинг ойдин йўли учун бағишланмади, дейсиз!

Ғанишер Юнусов, Лолахон Эрбўтаева, Турсунбой Латипов, Назира Йўлдошева, Жавод Қўчиев, Шерқул Олтмишев, Шамсиқамар Тўхтаева... Буларнинг ҳар бирини Фарҳод билан Ширинга эмас, Фарҳод билан Ширини буларга ўхшатиш мумкин. Буларнинг ҳар бири чўл осмонининг порлаб турган чўлпон юлдузлари. Бироқ булар сингари ҳали номи тилга тушмаган, чўлнинг саратон кезларидаги жон олиб, жон бергувчи жазирама иссиғи билан тўс-тўполон довулларига тўш тутиб меҳнат қилаётган камтар, камсуқум кишиларнинг исмини бирма-бир ёзиш учун бир кишининг тугал умри камлик қилади. Шарофат опани кўриб, у кишининг кечмиши билан танишганимизда шу нақл ёдга тушади. Шарофат опа ҳадеганда саволларимизга очилиб жавоб беравермади. Тортиниб, қимтиниб турди. Ниҳоят опа гапга тўшди:

— Асли Қуванинг Катта қишлоғиданмиз. Қушчилар қуш тилини қанчалик билса, отам деҳқончиликнинг тилини, йўлини шунчалик биладиган кишилардан эди. Ўттиз еттинчи йили ҳозирги Тошкент областидаги «Ўзбекистон беш йиллиги» совхозининг 4-бўлимига кўчма хўжалик бўлиб келдик. У вақтлари ҳозиргидай техника қайда дейсиз. Ҳамма иш

деярли қўл кучи билан бажарилади. Бунинг устига қиладиган иш кўп. Одам камчил. Ёшгина бўлсам ҳам далага чиқаман. Ҳадемай пахтани балодай терадиган бўлдим. Ун икки тонна пахта териб, ударник деган ном ҳам олдим. Пахта устаси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қурбонали Эрматовнинг назарига тушдим. Ҳадемай звено бошлиғи бўлдим. Орадан кўп ўтмай Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотландим. Дашт ҳавосига энди кўникиб турган чоғимизда уруш бошланиб, кунимиз шом каби қоронғи бўлди-қолди. Елкасига қулоч етмайдиган йигитлар урушга кетди. Иш-ташвиш хотин-қизлар билан бир мучали кам кишиларга қолди. Трактор боруни ҳайдайдиган эр-азамат йўқ. Йиғлаб-сиқтаб бўлса ҳам трактор ҳайдашни ўрганиб олдим. Бу ишим рўзгорни тебратишимизга анча қўл келди. Обрўйим ҳам жойида. Совхоз раҳбарларининг тилидан тушмайман. Уйда уй ишини, далада дала ишини тиндираман. Ўғлим урушдан омон-эсон қайтиб келса келин қиламан деганларнинг саноғи йўқ. Раҳматжон исмли бир йигит ҳар замонда бургут қараш қилиб қараб қўяди. Ичимда, шу йигитда бир гап боров, деб қўяман. Пайт пойлаб, гапга солади. Сир бой бермаган бўламан. Сўнгра у киши:

«Сен ўзинг кичкинасан-у, лекин кўп балони биласан», деб роса бўғилади. Ичимда кулиб қўяман. Ахири йигитнинг севгиси устунлик қилди. Бир ёстиққа бош қўйдик. Бизнинг тақдиримиз:

Бой иши фармон билан,  
Йўқ иши армон билан.

Тақдир қўшиб қўйибди,  
Яхшини ёмон билан,

деган қўшиқнинг тамоми акси бўлди. Бирор марта сиз оғзимизнинг сенга борганини эслай олмайман.

Эллигинчи йиллари ҳукумат топшириғи билан «Далварзин» совхозига кўчиб ўтдик. Раҳматжон ака — совхоз директори. Мен эса звено бошлиғиман. Эрим совхоз директори бўлса-ю, менга нима азоб далада куйиб-пишиб ишлаб, деган гап хаёлимга ҳам келмайди. Совхозда одам кам. Куч етишмайди. Раҳматжон акангиз югуриб-елиб икки-уч йил ичида совхозни оёққа турғазди. Ишлар юришиб кетди.

Эллик олтинчи йили республика раҳбарларининг йўлланмаси билан ҳозирги «Фарҳод» совхозига келдик. Эндиги куним кунмиди, аввалги куним турганда, деган гап энди бошимизга тушди. Совхознинг номи бор-у, қўл кучи ва техникадан нишон йўқ. Раҳматжон акангизнинг бир оёғи совхозда бўлса, бир оёғи Тошкентда. Бир одам деб елса, бир техника деб югуради. Ҳозиргидай қатор-қатор данғиллама уйлар қайда дейсиз. Яшаш жойимиз ертўлада. Ёзда сув танқислигидан қиш кунлари қорни эритиб бочкаларни тўлдириб оламиз. Бунинг устига Бекобод шамоли ажалнинг уруғи. Шитоб билан туриб бергандан сўнг, кишини чўл-пўл билан ямлаб ютиб юборгудай бўлади.

Уша кезлари айрим кишилар бу ер Мирзачўл эмас, Мирзагулистон ҳам эмас, бу ер Мирзагўристон экан, деб бир кунга чидай олмай кетиб қолганини айтмаса ҳам бўлади.

Совхознинг ҳозирги кўча-кўйлари, турнақатор уйлари, артезиан сувлари бунёдга келгунича неча кишиларнинг она сутлари оғзига келган. Бир киши ариқ қазийди, минг киши сув ичади, деганлари ана шу. Йиғлай-йиғлай ариқ қазисанг, ўйнаб-кулиб сув ичасан, деган нақлнинг маъноси ана шу.

Совхоз ташкил топган кундан бошлаб болалар боғчасида мудира бўлиб ишлай бошладим. Биласиз, айрим бесаранжом аёллар ўз боласини эплаб боқиб ололмади. Мен бу билан болалар боғчасида ишлашнинг қанчалик мушкуллигини айтмоқчиман. Эллик тўққизинчи йилдан бошлаб қишлоқ Советининг раиси қилиб сайландим. Менинг учун бу иш аввалгисидан ҳам мураккаброқ эди. Кўп ишончи — кўл. Кучим етганича, қўлимдан келганича, кўпнинг ишончини оқлашга ҳаракат қилдим.

Олтмиш еттинчи йили оиламиз оғир жудолikka учради. Раҳматжон акангиз оламдан ўтди. Жўжабирдек жон чирқиллаб қола бердик. Ҳеч уйни эркаксиз қилмасин экан. Раҳматжон аканинг ўрни тўйда ҳам билинади, азада ҳам. Ҳеч иложимиз йўқ — кучимиз кўзимизга етади. Бироқ ўлик эшикдан чиқиши билан туйнукдан сабр-қаноат тушади, деганларидек киши сабр-қаноат қилмаса ҳам бўлмас экан. Раҳматжон акангиз қайтиш қилган йилдан бери совхоздаги болалар боғчасида мудира бўлиб ишлайман. Боғчамизда икки юз ўттиздан зиёд бола бор. Боя айтганимдай дўмбоқчаларнинг қий-чувига чидашнинг ўзи катта қаҳрамонлик. Тарбиячиларимизнинг биронтасидан ҳозиргача биронта ота-онанинг норози бўлганини билмайман.

Муҳаббат Муродова — ўн йилдан бери тарбиячи. Муҳаббатхон болаларсиз, болалар эса Муҳаббатхонсиз туrolмайди. Шунинг учун унинг лақаби — Болабоғча. Мудиранинг мақтаса арзигулик шогирдлари бор.

Сафура Сатторова — Гулистондаги Султон Сегизбоев номли медицина билим юртини тамомлаган. Уста шофёрлар ўз машинасини соз ё носозлигини унинг овозидан билгани сингари, Сафурахон ҳам қайси боланинг ё оч қолибми, ё бирон ери оғрибми йиғлаганини унинг овозидан билади.

Наташа Фролова билан Ферие Сайитэна новаларсиз болалар тугул биз зерикамиз. Урни билинади. Буларнинг кишини ўзига тортадиган меҳригиёлари бор. Бундай кишилар билан киши юз йил ишлашиб ҳам қаримайди.

Дўстсиз киши ўхшар қанотсиз қушга.

Ўтган умри ўхшар даҳшатли тушга.

Шарофат опанинг ўтган умри, кечмиши, кечирмиши тамоман бунинг акси. Шарофат опа ҳеч қачон етдим деганда йиқилганмас. Бўлдим деганда бўлинганмас. Ҳеч қачон қаноти қайрилганмас. Қаерда бўлса ўз меҳнати, ўз камтарлиги билан эътибор топди. Ҳамиша хайрли ишга қўл урди. Қуш уясида кўрганини қилади: Шарофат опанинг отаси Қобилжон ота Холбоев элда эътибор топган киши, Йўлдош Охунбобоевнинг ҳамузанги йўлдошларидан эди. Шарофат опанинг умр йўлдоши — Раҳматжон Мўминов ҳам катта қозондан ош еган, ишбилармонлиги, тилбилармонлиги билан кўпнинг назарига тушган мартабали йигитлардан эди. Шун-

дай йигитнинг умр йўлдоши бўлишдек бахт Шарофат опага насиб қилган эди. Шарофат опа билан Раҳматжон аканинг тотувлиги бир-бирига бўлган меҳру оқибатини бу кишиларнинг тенгқурлари шундай таърифлашади: «Икки танда бир жон, бир кўкракда икки юрак», деб шу кишиларни айтса бўлади. Эр билан хотиннинг қандай яшаб, қандай муомала қилишини шу кишилардан ўрганса арзийди.

Шарофат опанинг онаси — Саломатхон Холбекова ҳозир бир юз ўн икки ёшда. Саводхон, жонли тарих. Йигирма икки неварали. Ўн саккиз чеварали. Бу кишининг кўрган, кечирганларини қўлидан ёзув-чизув келади-ган киши катта китоб қилиб ёзса ютади, ют-қазмайди.

Шарофат опанинг бахти-омади билан оналарининг бахти-омади ўртасидаги тафовут сиз билан бизга белгили. Бироқ Шарофат опа умрининг ўз онаси умрига ўхшайдиган жойи бор. Бардошлилик, кенг феъллик. Атвори покиза, давлати ҳам эгиз, меҳнати ҳам эгиз.

Давлатининг эгизлиги у ҳозир етти фарзанднинг онаси. Увалик-жувалик. Бош фарзанди Дилбар ТошМИни тамомлаган, Бахтиёри механизатор. Булар — Шарофат опанинг сунган тоғлари.

Меҳнатининг эгизлиги — ҳозирча рўзгор ташвиши ҳам, дала иши ҳам Шарофат опанинг зиммасида. Узида етти бола, боғчада 230 бола — жами икки юз қирққа яқин бола билан бирга нафас олади. Шуларнинг ўксигани Шарофат опанинг ўксигани. Ана шуларни эслаб, кишининг шоирлиги тутиб кетади:

Салом сизга келажак, салом янги бўстонлар,  
Аён кўриб турибмиз, кўркем жамелингизни...

Энди Шарофат опа ҳақидаги қолган гапни «Фарҳод» совхози партия комитетининг секретари Г. Сувонқуловдан эшитсак:

— Бепоен Мирзачўл «Фарҳод» совхозидан бошланади. Шарофат опа билан Раҳматжон ака шу совхозга биринчи бўлиб келган Ширинлардан, Фарҳодлардан. Бу ерга эрта баҳорда биринчи бўлиб учиб келган қалдирғочлардан. Тайёр сувни ичиш ҳамманинг ҳам кўлидан келади. Ариқ қазиб, саҳроларга жон ато қилиш эса ҳар кимнинг ҳам кўлидан кела берадиган ишмас. Шарофат опа Ширин сингари бу ерга биринчи бўлиб сув олиб келганлардан. Чўл осмонининг чарақлаб турган Чўлпонларидан.

Қалдирғоч — қадами қутли қуш. Қ а л д и р ғ о ч — баҳор элчиси. Қариялар таъбирича қ а л д и р ғ о ч — одамзоднинг энг яқин дўсти. Қ а л д и р ғ о ч қанотининг қоралиги — қошга ишора. Шунинг учун қ а л д и р ғ о ч кўзга яқин, кўнгилга ёвуқ қуш. Биз асли Шарофат опани тонг юлдузига қиёс қилмоқчийдик. Партком секретарининг Шарофат опани қ а л д и р ғ о ч га ўхшатиши бизга маъқул тушди. Чунки қ а л д и р ғ о ч — безавол қуш. Қўноғи ҳам, қўналғаси ҳам тайин қуш. Шарофат опа сингари элга хизмати синган жафокаш опаларимизнинг қўноғи ҳамиша сийна-мизда, қўналғаси эса қош ила қовоғимиз орасида.

---

# ИНТИЗОР

(ҲИКОВА)

Бу ғариб тошмозорга кўплар ўтар тош ташлаб,  
Кўплар ўтар тош ташлаб...  
Чидолмай бу озорга мен ўтаман кўз ёшлаб,  
Мен ўтаман кўз ёшлаб...

Бир парча ер тегмаган қандай бахти қора бу?  
Сийнаси садпора бу?  
Ёр меҳрига қонмаган қандайин овора бу?  
Қандай бағри яра бу?

Ғаллаоролнинг номи кетган Оқтош даҳаси. Кечмишидан сўз кетса кўп эрур ҳангомаси. Ирмоқлари сувлари; олқори, оҳулари қадимдан тилга тушган — ўз оти ўзи билан оқтовли юрт. Бўза билан қимизи, қуртобанинг тамизи; чопқир саман тойлари, қундуз тўла сойлари азалдан мақтовли юрт. Олти ой қиш, олти ой ёз дегани шунда бўлади. Қўклам қимизхўрлиги, кузда тўкмаси кунда бўлади. Новқаликлар олмаси билан отоқли, сангзорликлар ҳангомаси билан.

Ҳар қайдагидай бу ердагилар ҳам кўплашиб, кўмаклашиб колхоз-совхоз тузганича: бор борича, йўқ ҳолича бўлиб, зонг ҳам, замон ҳам



зўрники эди. Бирлар зогора нонга зор бўлса, бирлар симу зардан безор эди.

Холмамат бойнинг қир тўла қўйи, сой тўла самани бўлиб, хотин олиб, хотин қўйишдан ҳам зерикди. Дунёдан тирноққа зор бўлиб ўтиб боради. Ёши ҳам кетиб боради. Қазойи қадари етиб қулай кетса, қанчадан-қанча молу дунёси, дову даскаси — беҳисоб. Меросхўри йўқ. Бой узун оқшомлар шуни ўйлаб, чаён чаққандай тўлғаниб чиқади. Туғилмаган Тилолга тилла бешик, дегандай тилла бешик олишдан ҳам армон қолмади. Алҳол, ойдан ой, йилдан йил ўтиб, кенжа хотини қизли бўлиб, ўзича обрўли оқ юзли бўлиб мартаба топиш ўрнига бойдан эшитган гапи шу бўлди:

— Бу лаънатининг ўзи бошда ўғил туғадиган сиёғи йўқ эди. Тилаганга нени берар, учиқ билан пучиқ берар. От ўрнини той босар. Ота ўрнини ўғил. Қиз эса киши бандаси.

Ташландиққа тош тегмас. Ойбека ўксиб, ўкиниб, қизни катта қила берди. Мулла зоти қизнинг қулоғига азон айтиб ном ҳам қўймади. Онасининг ўзи Гулноз деб, гулдай парвариш қилиб юра берди. Гулноз эса қизмисан қиздай бўлиб ариқ бўйида ўсган анғиздай ўса берди.

— Акмалхон махсумингиз ҳам эр етиб, оталик савдоси бошимизга тушиб каминангиз остонангизга бош ургали келди. Сўзимизни қайтармасалар, иншооло, ахирлари ҳам, охиратлари ҳам обод бўлғай. Машойиқлар ажаб айтибдилар, қирқ уй қуда бўлса, қирқ йил қирғин келмас, деб.

Тўрамнинг сўзлари сўз. Бир ҳисобдан айни

муддао: Галлаорол аймоғида кимсан Ҳасанхон эшон билан қуда бўлиш ҳар бандага ҳам насиб қила бермас. Бунинг устига Қўкжар қишлоғининг пири ҳам, пайғамбари ҳам, авлиё анбиёси ҳам шу тўранинг ўзлари. Бу гапларни хаёлидан кечирган бой ўйлаб-нетиб ўтирмай розилик берди. Энди Гулноз Гулноз эмас — Нарзигул. Қизнинг вой дегани ҳам, онасининг дод солгани ҳам беҳуда. Бу ёқда бойнинг қароли Мамаюсуф доғда. Гулнознинг дарди — хаёли кеванагини судраган шу йигитда. Акмалхон махсумнинг симоби салласи-ю, Мамаюсуфнинг чурук пайтаваси; Махсумнинг тугамас давлати билан юрса ер ёрилгудай салтанати-ю, ёшликдан бир она боласидай, бир тоғнинг лоласидай бўлиб ўсган Мамаюсуфнинг босган изи. Бу сир бир худога маълум, бир қизнинг онасига. Онаизор эмасми, ўзини овсарликка олиб қизига ўгит берган бўлади:

— Худоё худованда карим, сенга умримни берса берсин, бахтимни бермасин. Қамолингни кўрай, заволингни кўрмай. Менга ўхшаб: «Ўйламай сойга тушдим, энди менга қир қайда», деб дунёдан зор қақшаб ўтмасанг бўлгани.

Гулнознинг кучи кўзига етади. Чорасиз, Мамаюсуф билан бўлган борди-келдиси отасига маълум бўлса терисига сомон тиқилиши аниқ. Истасин, истамасин энди у махсумнинг измида. Тутқун. Ўлиб қутулишдан ўзга чора йўқ. Мамаюсуфнинг дарди ичида. Боз устига: ит тумшуғин тиққан ерга сув ичгали шер келмас. Ҳалол ошга ит тегмаса ҳам теккандай, эликмаса ҳам эликкандай бўлиб йигитнинг

кўксини кесди. Бу тўғрида Мамаюсуф ўйлаб  
ўйига, бўйлаб бўйига етмай:

Гоҳо-гоҳо йироқларга олиб қочар хаёли.  
Қаршисида хавф-хатарли тоғлар турар қояли.  
Бу тоғлардан ошмоқликка йўлдош қани, йўл қани?  
Мадад керак бўлса, мадад берарга бир йўл қани?  
Яралганман ёлғиз бўлиб ҳақдан бўлак кимим бор?  
На тилакдош, на эмакдош, на кулба, на шамим бор.  
Меҳнат учун яратилганмиз, биз — банданинг бандаси.  
Қонимизни сўрувчилар худонинг арзандаси.  
Сенинг учун бир эмасми барча қулинг, ё раббий?  
Яратганинг чин бўлса айт, бизларга ким мураббий?!

Дорилбақонг қайси ўзи,  
Дорилпаноси қайси?  
Ушбу бўлса ёруғ дунёнг  
Мадҳи маъноси қайси?

\* \* \*

Кўклам келди қир-далага лола тўшаб, гул тўшаб.  
Бор йўлига баҳмал тўшаб, йўқ йўлига кул тўшаб.  
Кўҳна дардли кимсаларнинг қайта қўзмиш яраси.  
Табиб — таскин топган билан кошки бўлса чораси!..

Йиғи-сиғи билан мунгли,  
Яна мозор бошлари.  
Кўкдан тушган ёмғир гўё  
Кўпларнинг кўз ёшлари...

Вожабо, тонгдан туриб нолон сайрар ҳаққушлар.  
Қайдам бу кеч кимга совуқ хабар берар бойқушлар?  
Ёраб! Бу тун қорачироқ ўчмагай қай кулбада?  
Йўқсил кўнглин овутолмас на ширин сўз на бода...

Шунча бўлса бу беш кунлик  
Дунёнинг кўргулиги,  
Не кечарди аҳволимиз  
Бўлганда мангулиги?!

Шерик бўлмай Мамаюсуф баҳор қувончларига,  
Гулноз қизнинг кулишлари, ноzi ўкинчларига,  
Тонгдан туриб то кечгача қўш қўшади чорасиз,  
(Бир тишлам нон қайда дейсиз азият — оворасиз).  
Бирда ошсиз, бирда сувсиз, бирда буткул оч қолиб  
Бирда кирлаб, озиб-тўзиб, бирда ялонғоч қолиб,  
Сабр сақлар, бардош билан, тошдан қаттиқ бош билан,  
Бирда бағри гирён бўлиб, бирда кўзда ёш билан.  
Уйлай-уйлай ақли етмас бу дунёнинг ишига,  
Куйганидан тил теккизар фалакнинг гардишига...

\* \* \*

Қурбон ҳайити яқинлашгани сайин қудаларнинг кўнглига гулгула тушиб, тўй харажатларига тайёргарлик кўришиб, бирининг эшигини эл очса, бирининг туйнугини ел очиб қолди. Тўй куни яқинлашгани сайин Гулноз билан онаси қон ютиб, қон қусади. Зўрликнинг туби хўрлик. Хўрлик этдан ўтиб суякка етди. Она-бола энди ошкор сўйлашишга ўтди:

— Кундан-кунга рангинг ситилиб боради. Худодан яширмаган сирингни бандадан яшириб не қилдинг? Уйинг не, ўтинчинг не, қизим?

— Махсумнинг бошқа қайлиғи бор деб эшитаман. Усиз, ҳар ким суйган ошини ичмайдами, энажон?

— Нима қилай, жон қизим? От тепкисини от кўтаради. Бизнинг тепкимизни ким кўтаради?

— Чорасизнинг тепкисини чорасиз кўтаради.

Эртаси куни Мамаюсуф қўш бошида бир

ҳол, афтода ҳол бўлиб келди. Етим ўз ошини ичади, бировнинг миннатини эшитади. Бой ундан ҳол-аҳвол сўраш ўрнига, таъна-таъйиқларни қаторлаштириб ташлади:

— Еб тўймайдиган, ишлаб чарчамайдиган кезларинг. Қулоғингдан кун кўриниб қолганига ҳайронман. Эрта-индин бирон тенги-тўшингни топиб, елканга ола хуржинни осиб қўйсақ аҳволингга маймун йиғлайди шекилли...

— Бир гап бўлар... Усиз, менга ёз ёқа бермайди, бой ота...

Бу қисқагина, совуққина сўрашишдан сўнг, бой намозшомни ўқиб, овул оқсоқолиникига зиёфатга кетди. Ошиқ йигит, маъшуқ қиз учун Сулаймон ўлиб девлар қутулди дегани бўлди. Қоракўз, қорақошли кўриниши қарчиғайдай ихчам бўлса ҳам бек Алпондай бардошли; бир кўзи хиёл қисқ, қоши пайваста, қулоч ёзса етмайдиган елкасини кўрмаган қизлар армонда, кўрганлари ҳавасда... юзида сепкили, кўзида ўти бор, тикилиб қараса унчамунча одамни ўлдириб, тирилтирадиган салобати бор; ўрта бўйли теран ўйли. Мамаюсуф атрофида Гулноз капалакдай парвона. Юзлари оққинадан, бўйлари чоққинадан келган; лаб-даҳан ғунчадай, рўй деганингиз тандирдан эндигина узиб олинган ширмойи кулчадай; бурнида булоқи, манглайида тиллақош, қулоқда зумрад исирға, сочбоғда, ёқут тош эгнида илон пўсти ранг нимча, оқ билагида олтин билагузук, кўз тумори тўшида; кокили — бир қиз, қоши — бир қиз, каклидай қақиллаб кулиши — бир қиз; ўз исми билан Гулнознинг, суқсур, сўнали боғда битган сарви-

нозинг елиб-югуриб хизмат қилишидан Мамаюсуфнинг ҳам димоғи чоғ.

Пайт-пайт — шу пайт. Ойбека қизига ўчоқ бошига қара, дегандай ишора қилган бўлади, Гулноз бир ўтдан хабар олган бўлади, бир сувдан. Ойбека гапни очади:

— Шариатда шарм йўқ, дебдилар. Яна уялиб-нетиб ўтирма. Сендан яширадиган сирим йўқ. Қиз — меники, бахти — ўзганики. Кўнглинг Гулнозда бўлса ҳаракатингни қил.

Мамаюсуфнинг уялганидан танасига тер чиқиб, юзи лоладай қизариб, лаблари пирпираб, бўзариб, тилига келгани шу бўлди:

— Очкўз лочин тирноғидан, солиқчига тил текизган чарбоғидан айрилган шекилли, бошимга қирон қушининг куни тушиб қолмаса?

— От тўдада билинар, йигит майдонда. Дунёда ор этиб, армонидан айрилгани ёмон. Ёшлигингдан қўлимизда ўсдинг. Сийна сути бермасам ҳам, меҳримни аямадим. Худойликни айтганда Гулноз сеники эди. Қўлимдан келмади, не қилай. Қоронғи қолган юртга Қорашақшақ подшо бўлибди, дегандай, бу гўшада Тўрамнинг гапи — гап. Эндиги чорасини ўзинг қил.

— Нима қил дейсиз?

— Нима қилардинг. Худодан «Қимдан қўрқасан?» деб сўраганларида «Таваккалчи бандамдан қўрқаман» деган экан. Кўкқашқа от сеники. Қувса етади, қочса қутулади...

Ёпилди қозон ёпилди. Сир сирлигича, сўз-сўзлигича, Ойбека бир сўзлигича қолди. Бу гап Мамаюсуфга бирда саҳар кўрган тушдай бўлса, бирда мушкул ишдай бўлиб, бирда жон куйдирмасанг жонона қайда, нақли хаё-

лидан ўтиб, борлиқни унутиб, ҳадеса учадиган қушдай бўлиб юра берди.

Алҳосил, бу оқшом қиз билан йигитнинг қишлоқдан тузи кўтариладиган тун.

Бойнинг бошида эса бошқа ташвиш: «Борни бозор қилган ҳам, йўқни мозор қилган ҳам тангри таолонинг ўзи. Аҳли фуқаро оёққа туриб барчанинг бирдай бўлишини талаб қилиши замонанинг озгани, эшакнинг отдан ўзгани эмасми? Ўзи бозорга сиғмаган туя қўшани билан кирибди. Подшоликка қарши қўзғолон кўтарган жиззаҳлик яланг оёқларнинг ҳоли не кечди! Подшонинг сўзи — сўз, буйруғи — амри вожиб. Подшоликка шак келтирганнинг — ўзи кофир, хотини талоқ. Ҳозир ким кўп, хотин талоқ кўп. Ё парвардигори олам, биздай мўмин бандаларингни даври қиёматгача кам қилма. Лениннинг ўзи битта бўлса ҳам ўзаги мингта эмиш. Балони юборгувчи ҳам ўзинг, даф қилгувчи ҳам ўзинг. Фирқалар худодан қайтган бўлса ҳам, йўриғи — китоби эмиш дегани нимаси? Бу ерларга ҳам ўшаларнинг қадами етса ҳолимиз не кечади? Сичқон сиғмас инига, ғалвир боғлар думига. Ўз элимизга ўзимиз сиғинди бўлиб қолмасак бўлгани. Бахтимизга Очилдов билан мулла Турсундай суянган тоғларимизни омон сақла. Ҳазрати Қутбиддиндай дини ислом туғини тутиб турган донишмонларимизнинг ишига ривож бер. Амир Олимхондай подшоликка муносиб тожу тахт султонларимизни мартабасини зиёда қил...».

Шу йўсин бой хаёлатга фарқ бўлиб бир ғам босса, бир ғафлат босиб, бир ўзини хон, бир кўланкасини майдон чоғлаб уйқуга кетди.

Тун — ғарибники. Гулноз қай юз, қай кўнгил билан онасини ташлаб кетаётганидан ношод. Мамаюсуф эрмисан эрдай бўлиб, вужудига куч эниб, ўз ўлжасига ташланадиган шердай бўлиб, бахт қўшининг бошига кўнмоқчи бўлаётганидан ўзида йўқ шод. Шу кезде унинг учун Гулнознинг бир толим сочи етти иқлим подшосининг божи билан хирожидан қимматли. Насиб қилса энди у ҳам одам сонига қўшилиб, ўз уйи, ўлан тўшагига эга бўлади...

Мамаюсуф Кўкқашқани чоғ қилиб, пуштонини обдан тортиб белини бир қучоқ қилиб, Гулнозни мингаштириб, дарвозадан ҳаё-ҳайт дея чиқди-да кетди. От дарвозадан чиқиши билан гуриллаб кишнаб, ер тепиниб пишқириб, пишнаб, ҳадегандан қанотли қушдай учмоққа чоғланди. Бойнинг ўзидан бойтевати ёмон, дегани шекилли Бўрибосари тинимсиз акиллашга тушди. Эшак эшакдан қолса, қулоғини кесади, ит итдан қолса, нимасини кесади? Бир фурсатда овул итлари еру кўкни қийчувга кўмди қўйди. Оғзида иримга тиши қолмаган, ёши элликдан ошган бўлса ҳам бозор оқшоми бойдан ҳақини олишдан уялмаган; уйқуси сергаккина, оғзи бурни ўйилган гўрдаккина ўртанча хотини бойнинг тезда тура бермаслигига ҳам қўймай жаврашга тушди:

— Соқ бўлсанг сақлайман деган. Бундай одатингиз йўқ эди, не бўлди сизга? Итларнинг ҳуриши бежо. Қишлоққа ё қорақуш<sup>1</sup> оралади, ё босмачи. Туринг деганда туринг.

---

<sup>1</sup> Чорвадорлар бўрининг номини айтишни ирим билиб, қорақуш деб аташади.



Бой туриб қаролга товуш қилди. Қаролдан дарак йўқ. Охурда тунаганми, деб отхонага борса на от бор, на Мамаюсуф. Бойнинг ичида икки бошли илон ўрмалагандай аъзойи баданидаги туклари тикка бўлиб жон ҳолатда дарвозадан хабар олса, дарвозанинг зулфини бўш.

Дам ўтмай бой ҳовлиси Олой бозори бўлди-қолди. Ҳар ким оғзига келганини деяётир:

— Итдан бўлган қурбонликка ярамас. Туси яхшидан тортинма. Ўзи туси совуқ йигит эди.

— Етим кўзи асрасанг оғзи-бурнинг мой ошар. Етим бола асрасанг оғзи-бурнинг қон ошар. Яланг оёқдан келган оқибат нима бўларди?

— Қизил юзли йигитга қиз уруғи битмасин. Мақтовли қизимиздан чиққан ҳунар шу бўлса, бошқаларига товфиқ берсин.

— Кўзи сўқирдан кўрқма, кўкраги сўқирдан кўрқ, дегани шу бўлади.

— Ёмон хотинга ўхшаб айюҳаннос солиб ўтиргунча, белимда белбоғим бор, деганинг от-отингга мин. Ажали етган сичқон пишакка ғамза қилар. Вой ғамза-памзангни...

Бойнинг кими кўп — жонкуяри кўп. Бой ошини бой теват кўрибди, дегандай бойтевати кўп. Салла олиб кел деса, калла олиб келадиган югурдаклари кўп. Отнинг ўлими — итнинг байрами. Баҳона топса байрам қиладиган гўсхўрлари кўп. Ҳадеганда йигирма чоғли суворий бойнинг хизматида ҳозиру нозир бўлиб итлар ҳурган томонга қараб от қўйди. Бой — бош, улар — ёнбош. Эшон — фатвадор. Булардан ҳам бойнинг Чипор исмли тозиси хатарли. У из қувиб, из олади. Бу лаънати бар-

чани Кўкбўз юрган йўлдан бошлаб кетиб боради. Кўкбўз ҳадемай Кўкжарни тарк этиб, Моргузар тоғини қоралаб боради.

Бу тоғлар қандай тоғлар,  
Бағрида кузгун, зоғлар?  
Мамаюсуф кўксини  
Бир хатар, қўрқинч доғлар.  
Ер қаттиқ, осмон йироқ,  
Борми экан чораси?  
Дунё ўзи бетуроқ  
Тугамас можароси...  
Гулноз дейди, ё раббим,  
Раҳм айла, кўз ёшима.  
Сендан шудир талабим  
Бу бегуноҳ бошима  
Ўлимни раво қилма,  
Бебахт бенаво қилма.  
Йигит осов отини —  
Бойнинг хоназотини  
Қимтиб қистаб қичовга  
Олар тобора шошиб.  
Келганида «Тарнов»га  
Кўкбўз неча бел ошиб  
Қонсираган калхатлар —  
Етдилар ҳай-ҳайлашиб.

Мамаюсуфнинг боши айланиб, не қиларини билмай ўйланиб, отнинг бошини баралла бўш қўяй деса, Гулноздан авайланиб, қўймай деса бир гала ғажир оч бўридай тайланиб келаётир. Ур деса номард қочур, мард қолур майдон ичинда. Йигит фикр қилди: қочиб қутулгандан кўра, кенг майдонда куч синашиб тутилган яхши. Йигит пирлари мададкор, ҳазрати

Али жиловдор бўлиб енгсам енгдим, енгмасам пешанамда бори бўлар.

Йигит қизни отдан тушуриб, қўлда чўқмо-ри, кўнгилда зори билан кушандаларига беткай бўла берди. Бир соатлар чамаси ур калтак устига сур калтак бўлди. Мамаюсуфнинг бошдан оёғи мўматалоқ бўлиб, эт-бети қора қонга бўялиб, қамчи устига қамчи ёмғирдай ёғилиб турибди. Бечора йигитга жўн ўлим ҳам насиб қилмай тандан жони жудо бўлгунча бошига калтак тушиб турди. Дунёга қандай келган бўлса шундайлигича қайтиш қилди. Жасади на кафан кўрди, на жаноза. Не-не нопок кишиларга тегадиган бир қарич ер ҳам тақдир қилмади. Энди унинг бошида аза очадиган на ёри бор, на ёрони. Биттаю битта опаси қаҳатчилик йили Қурама<sup>1</sup> элатига тушиб кетган. У ҳам киши бандаси. Як нафаси ҳаловат тахти Сулаймон Гулнознинг бир нафаслик ширин суҳбати ҳам насиб қилмади. Ғариб бўлиб туғилиб, ғариб бўлиб ўлди.

Қора қонга беланиб ётган қизи қошига боришга юзи чидамаган бой йигитларига буюрди:

— Ота юзига оёқ қўйган фарзанднинг икки дунёси куйсин! Бунинг тенги — тош бўрон. Токи ўтган-кетган йўловчилар ота қарғишини олган оқпадар фарзанддан алҳазар, деб мазорига тош ташлаб ўтсинлар. Тўрамнинг фатволари шундай.

Арча тагида гул баргидай қалтираб турган Гулнознинг шаклу шамойили пажмурда тусга

---

<sup>1</sup> Қурама — Ҳозирги Оққўрғон райони атрофлари-ни қариялар Қурама элати деб юритишади.

кириб; ақлу ҳуши йўқолиб, илгари ўлмаса ҳам энди ўлишига, тириклай кўмилишига кўзи етиб на дод солишини билади, на фарёд этишини. «Даъвогаринг қози бўлса, дардингни оллога айт.» Гулнознинг кўзига шу пайт олло тугул олам кўринмай, на ўртанмай, на ёнмай, сел урган балиқдай саросимага тушиб қолди. Қулон бошига иш тушса, қуйруғига сир айтмас, Гулнознинг сир айтиб сирлашадиган, дард ёриб дардлашадиган шўрлик онаси тоғдан нарида. Сутга чайгандай юзи бўса нелигини билмай, йиғласа қайғуси бир, куйласа чалғуси бир йигити — Мамаюсуф билан дунёнинг орзу-ҳавасини кўрмай, қайфу сафосини сурмай тош билан урилиб, тош билан кўмилди...

Эл назмича бунда гўё Гулноз ётар ноз этиб,  
Ўз ёрига етмоқ учун ноз этиб, пардоз этиб.  
Алп йигит ҳам ётар бунда ёр васлига зор бўлиб,  
Бир-бирини кўрмоққа кўп ташна, интизор бўлиб.

Х ў ж а м у ш к е н т

---

---

◆◆◆

## МУНДАРИЖА

Бугун чин арафадур . . . . .	3
Шамсиқамар . . . . .	9
Ўзбек шеъриятининг манаси . . . . .	17
Хуш кўрдик, сафо кўрдик . . . . .	23
Ҳамқишлоқларим . . . . .	30
Қалдирғоч . . . . .	39
Интизор . . . . .	48



С 96

Сулаймон Тўра.

Ҳамқишлоқларим. Очерклар ва ҳикоя Т.,  
«Ёш гвардия», 1973.  
64 б.

Сулейман Тура. Односельчане.

Ўз2

07-3-3—032  
CM356—06—73 16—73

---

На узбекском языке

ТУРА СУЛЕЙМАН

ОДНОСЕЛЬЧАНЕ

(Очерки и рассказ)

Издательство «Еш гвардия» —  
Ташкент — 1973.

Редактор Шамси Одил  
Рассом Г. Жирнов  
Расмлар редактори Л. Мироедова  
Техн. редактори Л. Жихарская  
Корректор М. Ортиқова

Босмахонага берилди 9/XI-72 й. Босишга  
рухсат этилди 16/III-73 й. Формати  $70 \times 90^{1/32}$ .  
Босма листи 2,0. Шартли босма листи 2,34.  
Нашр листи 1,97. Тиражи 15000.  
Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Еш  
гвардия» нашриёти Тошкент, Навоий кўча-  
си, 30. Шартнома № 47—72.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриё-  
тининг босмахонаси. Тошкент, «Правда Вос-  
тока» кўчаси, 26. Заказ № 1540, Ба-  
ҳоси 7 т. Қўғоз № 1, Р—13639.